



TOSHKENT DAVLAT  
IQTISODIYOT UNIVERSITETI

BIG  
DATA

# RAQAMLI IQTISODIYOT VA AXBOROT TEXNOLOGIYALARI

ELEKTRON ILMIY JURNALI MAXSUS SON/2



**РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ВА АҲБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**  
**DIGITAL ECONOMY AND INFORMATION TECHNOLOGY**  
Илмий электрон журнал | Scientific electronic journal

**МУАССИС | FOUNDER**

Тошкент давлат иқтисодиёт университети  
Tashkent State University of Economics

**ТАҲРИР КЕНГАШИ РАИСИ | CHAIRMAN OF THE EDITORIAL BOARD**

Шарипов Конгратбой Аvezimbetovich – т.ф.д., профессор  
Sharipov Kongratboy Avezimbetovich – doctor of technical sciences, professor

**БОШ МУҲАРРИР | EDITOR-IN-CHIEF**

Абдуллаев Мунис Курбонович – и.ф.ф.д. (PhD), доцент  
Abdullahayev Munis Kurbonovich – PhD, docent

**БОШ МУҲАРРИР ЎРИНБОСАРИ | DEPUTY CHIEF EDITOR**

Вафоев Бобуржон Расулович – и.ф.н., доцент  
Vafoev Boburjon Rasulovich – PhD, docent

**МАСЬУЛ КОТИБ | EXECUTIVE SECRETARY**

Л.А. Аблазов | Ablazov L.A.

**ВЕБ-АДМИНИСТРАТОР | WEBMASTERS:**

Н.Я. Нурсайдов, А.Ш. Махмудов | Nursaidov N.Ya., Makhmudov A.Sh.

**ТАҲРИРИЯТ АЪЗОЛАРИ | EDITORIAL BOARD**

С.С. Гулямов – и.ф.д., академик.  
Б.А. Бегалов – и.ф.д., профессор.  
М.П. Эшов – и.ф.д., профессор.  
О.Қ. Абдурахмонов – и.ф.д., доцент.  
К.Б. Ахмеджанов – и.ф.д., профессор.  
И.М. Алимарданов – и.ф.д., доцент.  
Р. Салиходжаев – и.ф.ф.д. (PhD).  
Проф. Холназар Амонов (Чехия).  
Проф. Ҳамид Эргашев (Англия).  
Проф. Карина Татек Банетти (Чехия).  
Проф. Одиложон Абдураззаков  
(Германия).  
Проф. Эко Шри Маргианти  
(Индонезия).  
Проф. Дмитрий Назаров (Россия).  
Проф. Н.М. Сурнина (Россия).  
Проф. Марк Розенбаум (АҚШ).  
PhD. Абдул-Рашид (Афғонистон).

PhD. Аҳмад Моҳамед Азиз Исмоил  
(Миср)  
PhD. Бекзод Саидов – (АҚШ).  
А.А. Исмаилов – и.ф.д., профессор.  
И.Е. Жуковская – и.ф.д. (DSc),  
профессор.  
Т.С. Кучкоров – и.ф.д. (DSc),  
профессор.  
Р.А. Дадабаева – и.ф.н., доцент.  
Ш.И. Ҳашимходжаев – и.ф.н., доцент.  
А.А. Абидов – т.ф.н., доцент.  
И.М. Абдуллаева – и.ф.н., доцент.  
Н.Б. Абдусаломова – и.ф.д. (DSc),  
профессор.  
Р.Х. Насимов – т.ф.н., доцент.  
А.Б. Бобожонов – и.ф.ф.д. (PhD).  
С.О. Ҳомидов – и.ф.ф.д. (PhD).  
Ш.С. Егамбердиев – и.ф.ф.д. (PhD).

## МУНДАРИЖА

<b>Шарипов Конгратбай Аvezimbetovich, Каримова Ширин Зохид қизи</b> ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ .....	6
<b>Eshov Mansur Po'latovich, Abdullayev Munis Kurbonovich, Rizayeva Farangiz Xoldorovna</b> BLOCKCHAIN TEKNOLOGIYALARINING OLIY TA'LIM TIZIMIDA QO'LLASH AFZALLIKLARI .....	11
<b>Абдурахмонова Гулнора Қаландаровна, Зарипов Баҳодир Бобомурод ўғли</b> ТИЗИМЛИ ЁНДАШУВ АСОСИДА БУЛУТЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ХИЗМАТЛАРИНИ ТАНЛАШ БҮЙИЧА ҚАРОРЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ МЕТОДОЛОГИЯСИ .....	19
<b>Yuldashev Maqsudjon Abdullayevich, Maxmudov Abbos Sherali o'g'li, Homidov Hamdam Hasan o'g'li</b> IQTISODIYOTNI RIVOJLANTIRISHDA RAQAMLI TEKNOLOGIYALARDAN FOYDALANISH SAMARADORLIGI .....	26
<b>Акбаров Нодир Гафурович, Вафоев Бобуржон Расулович, Юсуфжанов Нурмуҳаммад Жаҳонгир ўғли</b> СПОРТ МАРКЕТИНГИННИНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ .....	33
<b>Abduvohidov Abdumalik Mahkamovich, Parpieva Rano Abdurasulovna</b> FOREIGN EXPERIENCE IN ORGANIZING REMOTE BANKING SERVICE .....	39
<b>Abdulakhmatov Muzaffar Mashrabjon ugli, Jaloliddinova Madina Sirojiddin kizi</b> THE MAIN IMPACTS OF DIGITAL TRANSFORMATION ON SMALL TO MEDIUM-SIZED BUSINESS ENTERPRISES .....	43
<b>Абдуллаев Мунис Курбонович, Абдурахмонова Барно</b> РАҶАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАСИ .....	48
<b>Абидов Абдужаббор Абдухамидович</b> ДИАГНОСТИКА СОСТОЯНИЯ И ВОССТАНОВЛЕНИЯ РАБОТОСПОСОБНОСТИ СИСТЕМ РЕАЛЬНОГО ВРЕМЕНИ .....	54
<b>Алимов Раимжон Ҳакимович, Шамсиева Ф.М.</b> ҚИШЛОҚ ҲЎЖАЛИГИГА КИРИТИЛАЁТГАН ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ МЕВАСАБЗАВОТ ЕТИШТИРИШГА ТАЪСИРИНИ МОДЕЛЛАШТИРИШ ВА ПРОГНОЗЛАШ .....	59
<b>Амирор Лочинбек Файзуллаевич, Аскарова Мавлуда Турабовна</b> СТРАТЕГИЧЕСКИЕ ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ АГРАРНОГО СЕКТОРА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН .....	65
<b>Ахунова Маърифат Ҳакимовна</b> ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ РАҶАМЛАШУВИ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР .....	74
<b>Ashurov Zufar Abdulloevich, Butikov Igor Leonidovich</b> MULTIPLE LISTING SERVICE – A DIGITAL TECHNOLOGY FOR REAL ESTATE MARKET OF UZBEKISTAN .....	78
<b>Бекмуродов Н.Х.</b> ИНСОН РЕСУРЛАРИНИ СТРАТЕГИК БОШҚАРИШДА ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА УЛАРНИ ТАТБИҚ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ .....	82

<b>Davletova Durdona, Buranova Jazira</b>	
DIGITAL ECONOMY: INFLUENCE IN ECONOMY DURING THE PANDEMIC .....	86
<b>Дадабаева Раъно Акрамовна</b>	
ФОРМИРОВАНИЕ СТРАТЕГИИ ОРГАНИЗАЦИИ В УСЛОВИЯХ ГЛОБАЛИЗАЦИИ ..	91
<b>Jamalova Gulnora Gulomovna, Aymatova Farida Khurazovna</b>	
DIGITAL ECONOMY AS A NEW PERIOD OF GLOBALIZATION .....	94
<b>Жаҳонгиров Илимдоржон Жаҳонгиржон ўғли</b>	
МАМЛАКАТИМИЗДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ МУАССАСАЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ТИЗИМИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ .....	100
<b>Zhukovskaya Irina Evgenievna, Khashimkhodzhaev Sharafutdin Ishankhodzhaevich</b>	
THE MAIN DIRECTIONS FOR IMPROVING THE QUALITY OF HIGHER EDUCATION IN THE CONTEXT OF DIGITAL TRANSFORMATION .....	109
<b>Зарипова Мукаддас Джумайёзовна</b>	
ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАР ТАРКИБИ СИФАТИНИ БАҲОЛАШ КЎРСАТКИЧЛАРИ ВАЗН КОЭФФИЦИЕНТЛАРИНИ АНИҚЛАШДА ЭКСПЕРТ СЎРОВ УСУЛИДАН ФОЙДАЛАНИШ .....	114
<b>Karimova Shirin Zohid qizi</b>	
ELEKTRON TIJORAT DO'KONLARIDA 3D TEKNOLOGIYALARINI QO'LLASH .....	125
<b>Касимов Азamat Абдукаримович</b>	
САНОАТ 4.0 НИНГ РИВОЖЛАНИШИ ВА УНИНГ ИҚТИСОДИЁТНИ РАҚАМЛАШТИРИШДАГИ ЎРНИ .....	129
<b>Кодиров Фаррух Эргаш ўғли, Мухитдинов Х.С.</b>	
АҲОЛИГА ТИББИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШДАН ОЛИНГАН ДАРОМАД ВА ХАРАЖАТЛАРНИ БИЗНЕС ИННОВАЦИОН МОДЕЛИ .....	136
<b>Кулматова Сайёра Сафаровна, Рихсимбаев Одилжон Кабилджанович</b>	
ВОПРОСЫ ЦИФРОВИЗАЦИИ МАШИННО-ТРАКТОРНЫХ ПАРКОВ В СЕЛЬСКОМ ХОЗЯЙСТВЕ .....	142
<b>Kuchkarov Tahir Safarovich, Sultanov Ruslan Rustamovich</b>	
RESEARCH AND DESIGN STRUCTURE AND FORMAL MODEL OF INFORMATION SYSTEM FOR MANAGING EDUCATIONAL SYSTEM AND E-CONTENT DESIGN BASED ON ELEMENTS OF ARTIFICIAL INTELLIGENCE .....	147
<b>Мирзакаримова Мухаббатхон Махмуд қизи</b>	
БАРКАМОЛ АВЛОД БОЛАЛАР МАКТАБЛАРИ ТИЗИМИ УЧУН МУЛЬТИМЕДИАЛИ МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ ПЛАТФОРМАСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ .....	156
<b>Назаров Дмитрий Михайлович, Шкрадюк А.Д.</b>	
ТЕХНОЛОГИЯ OSINT: ОБЗОР СЕРВИСОВ С ОТКРЫТЫМ ИСХОДНЫМ КОДОМ .....	167
<b>Nuraliev Faxriddin Murodillaevich, Giyosov Ulugbek Eshpulatovich, Ibodullaev Sardor Narsiddin o'g'li</b>	
TA'LIMNING VIRTUAL OLAMDAGI KO'RINISHI UCHUN 3D OBEKLTLARNI JOYLASHTIRISH VA FOYDALANISH USULLARI .....	172

<b>Nursaidov Nurmukhammad Yashnar ugli</b>	
USING MOBILE DEVICES FOR LANGUAGE LEARNING .....	177
<b>Olimov Maksudjon Komiljon ugli</b>	
SPECIFIC CHARACTERISTICS OF MODERNIZATION OF INDUSTRIAL PRODUCTION BRANCHES AND IMPLEMENTATION OF “INDUSTRY 4.0” CONCEPT .	183
<b>Ортиков У.А.</b>	
СУЩНОСТЬ И НЕОБХОДИМОСТЬ ПОВЫШЕНИЯ ПРОИЗВОДИТЕЛЬНОСТИ ТРУДА В ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКЕ .....	188
<b>Отажанов Умид Абдуллаевич, Нуруллаева Шахноза Тохтасиновна, Сайдуллаева Саодат, Исакова Наима</b>	
ҲУДУДЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТИНИ ЗАМОНАВИЙ БАҲОЛАШ УСУЛИНИ ТАДБИҚИ .....	193
<b>Паязов Мурод Максудович</b>	
ХИЗМАТЛАР СОҲАСИНИ РАҶАМЛИ ТРАНСФОРМАЦИЯЛАШ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР .....	201
<b>Пилипенко Елена Федоровна, Белалова Гузаль Анваровна</b>	
ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ТЕХНОЛОГИЙ ИСКУССТВЕННОГО ИНТЕЛЛЕКТА В МАРКЕТИНГОВОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ПРЕДПРИЯТИЙ .....	207
<b>Рӯзиева Диlobар Исомжоновна</b>	
РАҶАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ РАҶАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ .....	214
<b>Сабиров Ойбек Шавкатбекович, Эргашова Наргиза Бобохоновна</b>	
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА РАҶАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ .....	219
<b>Сайдназаров Фирдавс Абдуллоевич</b>	
КОРХОНАЛАРДА УЗОҚ МУДДАТЛИ МОЛИЯВИЙ СТРАТЕГИЯНИНГ АМАЛИЙ- УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ (Ўзбекгидроэнерго АЖ мисолида) .....	227
<b>Салайев Расул Шавкатович</b>	
ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА РАҶАМЛИ АКТИVLAR МУОМАЛАСИННИНГ КОНЦЕПТУАЛ ЁНДАШУВЛАРИ ВА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ .....	237
<b>Темиров Абдулазиз Алимжанович</b>	
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИ ФАОЛИЯТИГА РАҶАМЛИ БОШҚАРУВНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ .....	249
<b>Тўҳсанов Қудратилло Нозимович</b>	
ПАНДЕМИЯДАН КЕЙИНГИ ДАВРДА РАҶАМЛИ МОЛИЯЛАШТИРИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ИМКОНИЯТЛАРИ .....	254
<b>Файзиева Муяссарзода Ханчаровна</b>	
РАҶАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ФАОЛИЯТИГА ТАЪСИРИНИ БАҲОЛАШ .....	259
<b>Файзулаева Нилуфар Садуллаевна</b>	
ИНТЕРНЕТ-ТЕХНОЛОГИИ И РАЗВИТИЕ ОБРАЗОВАНИЯ .....	268
<b>Хашимова Дилёра Паҳритдиновна, Мирзиёдова Гульнозахон Аюбхон кизи</b>	
ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ИНСТРУМЕНТОВ ЦИФРОВОГО МАРКЕТИНГА ДЛЯ ПОВЫШЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ ПРОЦЕССА ПРОДВИЖЕНИЯ ТОВАРОВ ТОРГОВОГО ПРЕДПРИЯТИЯ .....	272

<b>Хидиров Темур Қаҳрамон ўғли</b>	
СУТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ КОРХОНАЛАРИНИ РАҶАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА КЛАСТЕР ТИЗИМИ АСОСИДА РИВОЖЛАНТИРИШ .....	278
<b>Xodjayeva Mavlyuda Sabirovna, Saydakhmedova Barno Batirovna</b>	
TA'LIMDA RAQAMLI TEKNOLOGIYALARDAN SAMARALI FOYDALANISHNING АНАМИYATI .....	285
<b>Хужакулов Хайтмурат Джавлиевич, Аюбжанов Аббас Хасилович</b>	
ЎЗБЕКИСТОНДА ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИ РИВОЖЛАНИШИНИ СТАТИСТИК БАҲОЛАШДА РАҶАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ....	293
<b>Хакимова Мухаббат Файзиевна, Тўрабеков Фарход Санақулович</b>	
ЭЛЕКТРОН ТАЪЛИМ МУҲИТИДА АРАЛАШ ЎҚИТИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ	300
<b>Shermuxamedov Abbos Toirovich, Ablazov Lazizbek Abdijosimovich</b>	
OLIY TA'LIMDA BULUT TEKNOLOGIYALARING IMKONIYATLARI .....	306
<b>Shoaxmedova Nozima Xayrullayevna, Abdullaeva Iroda Maxmudjanovna, Mannanova</b>	
Shaxida Gaybullayena, Yusupova Dilbar Mirabidovna	
SUN'IY INTELLEKT YORDAMIDA SOXTA KONTENTLARNI ANIQLASH USULLARI ..	311
<b>Юлдашев Абдухаким Абдукаримович</b>	
КИЧИК ЁФ-МОЙ КОРХОНАЛАРИДА ТАЪМИНОТ ЗАНЖИРИНИ БОШҚАРИШДА РАҶАМЛИ ЛОГИСТИК ЭКОТИЗИМЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИ САМАРАДОРЛИГИ .....	317
<b>Yuldasheva Nilufar Abduvakhidovna</b>	
THE CONCEPT OF THE STRATEGY OF INNOVATIVE AND TECHNOLOGICAL DEVELOPMENT OF INDUSTRIAL ENTERPRISES IN THE DIGITAL ECONOMY .....	322
<b>Юлдошев Улугбек Асқар ўғли</b>	
РАҶАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ СОҲАСИДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК .....	327
<b>Юсупов Мухиддин Соатович</b>	
УКРЕПЛЕНИЕ ПРОДОВОЛЬСТВЕННОЙ БЕЗОПАСНОСТИ ПУТЕМ РАЗВИТИЯ ЦИФРОВОГО И УМНОГО СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА В УЗБЕКИСТАНЕ .....	334
<b>Юсупов Мансур Махамаджон угли, Шоахмедова Нозима Хайруллаевна</b>	
АНАЛИЗ СОВРЕМЕННОГО СОСТОЯНИЯ КИБЕРБЕЗОПАСНОСТИ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН .....	345
<b>Якубов Максадхон Султаниязович, Шарифжанова Нилюфар Муратжановна</b>	
МЕХАНИЗМЫ РЕАЛИЗАЦИИ МЕТОДОЛОГИИ УПРАВЛЕНИЯ В СИСТЕМЕ ПОДГОТОВКИ РАЗРАБОТЧИКОВ ПРОГРАММНОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ .....	352
<b>Асадов Жасур Абдужабборович</b>	
РАҶАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА АҲОЛИНИНГ МОЛИЯВИЙ САВОДХОНЛИГИНИ ОШИРИШГА ОИД ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА .....	361
<b>Homidov Hamdam Hasan o'g'li, Vafoyev Boburjon Rasulovich, Maximov Abbos Sherli o'g'li</b>	
SUN'IY INTELLEKT TEKNOLOGIYALARINI QISHLOQ XO'JALIGI FAOLIYATIDA TADBIQI .....	367
<b>Norboeva Nafisa Erkinovna</b>	
EFFICIENT USE OF CLOUD TECHNOLOGIES IN THE ACTIVITIES OF ENTERPRISES AND ORGANIZATIONS .....	372

# ПРОФЕССОР-ҮҚИТУВЧИЛАР ТАРКИБИ СИФАТИНИ БАҲОЛАШ КЎРСАТКИЧЛАРИ ВАЗН КОЭФФИЦИЕНТЛАРИНИ АНИҚЛАШДА ЭКСПЕРТ СЎРОВ УСУЛИДАН ФОЙДАЛАНИШ

**Зарипова Муқаддас Ҷумәёзовна**

Термиз давлат университети таянч докторанти

*zaripovatinqaddas0407@gmail.com*

## *Аннотация*

Мақолада асосий эътибор олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилар таркиби сифатини баҳолаш масалаларига қаратилган. Профессор-ўқитувчилар таркиби сифатини баҳолаш учун кўрсаткичлар тизими ишлаб чиқилган. Ушбу кўрсаткичлар вазн коэффициентларини аниқлаши учун эксперт сўров усулидан фойдаланилган. Эксперт сўров усули ёрдамида олинган натижаларга кўра, профессор-ўқитувчилар таркиби салоҳиятини ошириши бўйича илмий асосланган хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилган.

## *Калилти сўзлар*

эксперт баҳолаш усули, эксперталар фикри келишиувчанлик дараҷаси, Пирсон мезони, конкордация коэффициенти, эксперталар компетентлик коэффициенти, профессор-ўқитувчилар таркиби сифатини баҳолаш

## **Кириш**

Иқтисодиётнинг рақамли трансформациялашуви шароитида, малакали кадрлар тайёрлаш масаласи ҳар қачонгидан ҳам долзарброқ масалалардан бири сифатида этироф этилаётганлиги хеч кимга сир эмас. Салоҳиятли кадрлар мамлакат барқарор ривожланишини таъминлашга, жумладан ҳар қандай ташкилотни рақобатбардошлигини оширишга бевосита таъсир этувчи омил ҳисобланади. Шу боис, нафакат республикамизда, балки жаҳон ҳамжамиятида етакчилик қилаётган мамлакатлар кадрларни тайёрлаш ҳамда уларни ўқитиш сифатига, олий таълим ривожига давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида эътибор қаратиб, кенг кўламдаги ишларни амалга ошираётганлигини кўриш мумкин.

Аммо шунга қарамай, юқори малакали кадрлар тайёрлаш борасида олий таълим соҳасида айни вақтда ҳал қилиниши лозим бўлған долзарб муаммо ва камчиликлар мавжуд. Бу муаммолардан бири профессор-ўқитувчилар фаолиятини ўрганиш ва илмий салоҳиятини кўтариш масаласидир. Юқори малакали кадрлар (ЮМК) тайёрлаш сифати ва уни янада ошириш масаласи кўп жиҳатдан бевосита олий таълим муассасалари (ОТМ) профессор-ўқитувчиларининг салоҳияти ва иш унумдорлигига боғлик бўлганлиги сабабли, улар фаолиятини ўрганиш, таҳлил қилиш ҳамда баҳолаш муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, профессор-ўқитувчилар таркиби (ПЎТ) салоҳиятини ошириш бўйича қарорлар қабул қилиш долзарблиги нафакат бўлажак мутахассисларни тайёрлаш сифати, балки олий таълим тизими ОТМларининг (Жаҳон Университетлари Рейтингида - World University Rankings кучли университетлар қаторига кириш учун ҳаракат қилаётган, айни вақтда ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтган ОТМлари, илмий-тадқиқот институтлари ва бошқалар) фаолият юритиш унумдорлиги ва рақобатбардошлиги натижаларини асосланган прогнозига зарурияти билан изоҳланади.

Бу эса ўз навбатида, ташкилий жиҳатдан мураккаб вазифа бўлгани каби, ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ҳам мураккаб ҳисобланиб, тизимли ёндашувни ҳамда бошқарувнинг янги усул ва моделларини ишлаб чиқиши тақозо этади.

## **Адабиётлар шархи**

Юқори малакали кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш масалалари бўйича, айни вақтга қадар кўплаб турли тадқиқот ишлари олиб борилган. Буларга, мамлакатимиз олимларидан С.С.Гулямов, Р.Х.Аюпов, М.К. Абдуллаев [1], Н.Р.Рахмонов [2], О.С.Қаххаров [3]ларнинг ишларини кўрсатиб ўтиш мумкин. Ушбу ишларда асосий эътибор, муайян тармоқ соҳалари учун ихтисослашган ЮМК тайёрлаш, улар эгаллаши лозим бўлған кўникмалар ҳамда ЮМК тайёрлашнинг самарали шаклларини ишлаб чиқиши масалаларига ва унинг назарий асосларига қаратилган.

Шунингдек, профессор-ўқитувчилар, олимлар меҳнат фаолиятини ўрганиш ва унинг меҳнатини рағбатлантириш, фаолият натижавийлиги, самарадорлигини баҳолаш, университет рейтингини оширишда профессор-ўқитувчи илмий фаолияти самарадорлиги ҳамда фаоллиги масалаларига бағишлиланган ишлар кўлами ҳам жуда кенгdir. Буларга, узоқ хориж тадқиқотчи-олимларидан Emerald Jenkins, Rita D'Aoust, Sabrina Elias, Hae Ra Han, Phyllis Sharps, Carmen Alvarez'ларнинг “Профессор-ўқитувчилар таркибини ҳамжиҳатлиқда баҳолаш: эксперт усулида баҳолаш жараёнини миқдорий-тавсифий тадқиқ этиш” [4], Cardoso Sónia, Orlando Tavares, Cristina Sin'ларнинг “Профессор-ўқитувчилар таркиби сифати: олий таълим муассасаларининг сифатни таъминлаш бўйича Европа стандартлари ва кўрсатмаларига мувофиқлиги – Португалия мисолида” [5] илмий асрлари, яқин хориж олимларидан Ю.Б.Татаринов [6], А.Г.Бездудная [7], Б.М.Генкин [8]ларнинг илмий асрлари ҳамда Мустакил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) мамлакатлари тадқиқотчиларидан Ш.Жаманбалаева, Г.Абдираимова, М.Маулшарифларнинг “Олий таълим муассасалари корпоратив маданиятини диагностика қилиш тузилмасида профессор-ўқитувчилар таркиби фаолиятини ҳамкаслари томонидан баҳолаш” [9] мавзусидаги илмий мақолаларини келтириш мумкин.

Бундан кўринадики, юқорида қайд этилган илмий ишларнинг аксарият кисми ЮМК тайёрлаш жараёнига бағишлиланган бўлса, аксарияти ушбу жараёнга бевосита алоқадор бўлган ПЎТ фаолиятини баҳолашга қаратилган. Бироқ, ЮМК тайёрлаш сифати жараёнига бевосита алоқадор бўлган олий таълим муассасалари ПЎТ фаолиятини баҳолаш бўйича илмий тадқиқотлар кўлами кенг бўлишига қарамай, ушбу йўналишда кўплаб муаммолар кўзга ташланади.

Ушбу муаммолардан бири, ПЎТ иш фаолияти натижаларини аксарияти объектив деб тан олиб бўлмайдиган мезонлар ва кўрсаткичлар тизими бўйича баҳоланаётгани бўлса, иккинчиси ПЎТ ҳолати ва унинг ўзгаришини муҳокама қилишга тизимли ёндашувнинг йўқлиги ҳисобланади.

Фикримизча, бу борада, авваламбор ПЎТ сифатини баҳолаш ва самарадорлигини ошириш мақсадларини аниқлаштириб олиш зарурдир.

Профессор-ўқитувчилар таркиби сифатини баҳолашдан асосий мақсад - ўқитувчи салоҳиятини таълимни трансформациялашувининг талабларига, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос ЮМК тайёрлаш сиёсатига мувофиқлигини аниқлашдан иборат бўлиши керак. Ушбу мақсадлар учун баҳолаш кўрсаткичлари тизими шакллантирилиши лозим. Кўрсаткичлар ўз навбатида, барча ОТМ профессор-ўқитувчилар таркиби ҳолати ва унинг ўзгаришини муҳокама қилишга имкон берувчи мезон сифатида кўлланилиши керак. Шунингдек, фикримизча республика олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилар таркиби салоҳиятини ошириш бўйича қарорлар қабул қилишда экспертухассислар фикридан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

### Тадқиқот методологияси

Тадқиқотнинг асосий мақсади эксперт сўров усулидан фойдаланиш орқали мамлакатимизда юқори малакали кадрлар тайёрлаш сифатига бевосита таъсир этувчи муҳим омиллардан бири ҳисобланган профессор-ўқитувчилар таркиби салоҳиятини ошириш бўйича қарорлар қабул қилиш, ҳамда олий таълим муассасалари амалиётида фойдаланиш бўйича асосланган илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот жараёнидаги таққослаш, гурухлаш, илмий абстракциялаш, анализ ва синтез ҳамда математик-статистик усувлардан самарали фойдаланилган.

### Таҳлил ва натижалар муҳокамаси

Муаллиф томонидан, баъзи хориж мамлакатлари[10] ва республикамиз “Таълим ташкилотларини аттестациядан ўтказиш мезонларини тасдиқлаш тўғрисида”ти [11] қарорларини, олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари таркиби сифатига кўйиладиган талабларни ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида, ПЎТ сифатини баҳолаш мезон ва кўрсаткичлари ишлаб чиқилди, ҳамда ҳисоблаш формулалари белгилаб олинди. Ушбу формулалар асосида ҳар бир кўрсаткич қийматлари олинди. ПЎТ сифатини баҳолаш кўрсаткичларининг натижаларига қараб алоҳида ҳар бир кўрсаткич таҳлил этилди [12]. Бироқ, тадқиқ этилаётган объект учун алоҳида кўрсаткичлар ҳар доим ҳам бир хил даражада муҳим рол ўйнамайди ва тадқиқ этилаётган объектнинг ҳолатини объектив баҳолашни таъминламайди. Шу боис, ЮМК тайёрлаш жараёнига бевосита таъсир этувчи муҳим омил ҳисобланган ПЎТ сифатини баҳолаш ва салоҳиятини ошириш бўйича қарорлар қабул қилиш учун ПЎТ сифатини баҳолашнинг умумлаштирилган баҳосини олишга зарурат туғилди. Умумлаштирилган баҳони олиш эса ўз навбатида, интеграл кўрсаткични ҳисоблаш орқали амалга оширилади.

Олий таълим муассасалари ПЎТ сифатини умумлаштирилган баҳосини олиш учун, гурух кўрсаткичлари йиғиндисига асосланган тортилган арифметик ўртача усулдан фойдаланилди. Ушбу усулда, кўрсаткичларнинг муҳимлиги инобатга олинганлиги сабабли, интеграл кўрсаткич тадқиқ

етилаётган объект фаолияти самарадорлигини аниқроқ акс эттиради. Бу усул интеграл кўрсаткични аниқлаш усулларидан бири ҳисобланиб, уни ҳисоблаш формуласи қуйидагидан иборат:

$$N_1 = \sum_{i=1}^{18} V_i \times N_{18}^i \quad (1)$$

бу ерда  $N_1$  – олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчилар таркиби (ПЎТ) сифатини баҳолашнинг интеграл кўрсаткичи;  $v_i$  -  $i$ -нчи кўрсаткич ҳар бир позициясининг эксперт усули билан аникланадиган, вазн қиймати;  $N_i$  –  $i$ -чи кўрсаткичнинг баҳоси.

Ушбу интеграл кўрсаткични ҳисоблаш учун ПЎТ сифатини баҳолашда қўлланилган кўрсаткичлар [12,13] ҳар бирининг вазн қийматини аниқлаш талаб этилади. Бу эса ўз навбатида эксперт баҳолаш усули ёрдамида амалга оширилади. Эксперт баҳолаш усули ёрдамида кўрсаткичларнинг вазн коэффициентларини аниқлаш жараёни қуйидагича амалга оширилди:

- ОТМларида кадрлар тайёрлаш профили, ўкув жараёни ҳамда илмий-тадқиқот фаолияти бўйича кўп йиллик ишлаб чиқариш, касбий ва амалий тажрибага эга бўлган эксперт-мутахассислар гурухи шакллантирилди. Гурухдаги эксперт-мутахассислар сони 14 нафарни ташкил этди. Квалиметрия қоидаларига кўра, гурухдаги эксперт-мутахассислар сони 7 тадан 20 нафаргача бўлиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади [14]. Боиси, жуда кам микдордаги эксперtlар сони ишончсиз натижаларни келтириб чиқаради.

- Сўров варақаси тузилди. Сўров варақаси эксперт-мутахассислар ҳар бир кўрсаткич хусусиятининг аҳамиятини баҳолаши керак бўлган бланка кўринишида тақдим этилди. Барча эксперт-мутахассисларга баҳолаш услубиёти бўйича кўрсатмалар берилди.

- Эксперт-мутахассислар томонидан сўров варақасини экспер-мутахассислар томонидан тўлдирилди. Сўров варақасини экспер-мутахассислар томонидан тўлдириш жараёнида барча кўрсаткичлар хусусиятларига ҳамда уларнинг аҳамиятлилик даражасига қараб ранглар (баҳолар) берилди. Эксперт-мутахассисларнинг фикрига кўра, хусусияти бўйича муҳим деб тан олинган кўрсаткичга юқори даражага эга ранг (баҳо), аҳамиятлилик даражаси паст деб ҳисобланган кўрсаткичга эса бирга тенг бўлган энг қўйи ранг (баҳо) белгиланди.

- Матрицали ахборот модели яратилди. Сўров натижаларига кўра, эксперт-мутахассисларнинг барча жавоблари матрицали ахборот моделида умумлаштирилди (1-жадвал).

#### 1-жадвал

#### ПЎТ сифатини баҳолаш кўрсаткичларини муҳимлилик даражаси бўйича эксперtlар баҳоси ва матрицали ахборот модели<sup>6</sup>

Экс-перт	Кўрсаткичлар																	
	$N_1^1$	$N_1^2$	$N_1^3$	$N_1^4$	$N_1^5$	$N_1^6$	$N_1^7$	$N_1^8$	$N_1^9$	$N_1^{10}$	$N_1^{11}$	$N_1^{12}$	$N_1^{13}$	$N_1^{14}$	$N_1^{15}$	$N_1^{16}$	$N_1^{17}$	$N_1^{18}$
Э1	18	13	15	10	17	8	5	16	12	11	3	4	9	7	6	2	14	1
Э2	18	14	13	4	9	8	11	17	16	15	5	6	2	3	10	7	12	1
Э3	17	9	10	1	8	7	11	12	13	14	6	5	3	4	15	16	18	2
Э4	18	17	15	8	14	10	11	16	13	12	6	5	2	4	9	3	7	1
Э5	16	14	12	10	8	7	11	9	18	17	15	6	2	13	5	3	4	1
Э6	18	6	3	4	13	12	7	14	11	10	2	8	9	5	15	17	16	1
Э7	18	11	15	5	14	13	12	16	9	17	10	6	7	3	8	4	2	1
Э8	15	11	13	6	12	16	10	9	14	17	5	8	2	7	3	4	18	1
Э9	18	12	11	9	15	16	14	17	10	13	2	8	3	5	7	4	6	1
Э10	18	15	16	6	12	11	10	14	17	13	9	5	3	4	7	2	8	1
Э11	18	13	17	2	15	14	12	16	11	10	6	4	3	5	9	8	7	1
Э12	18	11	10	9	17	15	16	14	13	12	4	6	3	5	8	2	7	1
Э13	18	13	14	5	16	11	10	17	15	12	4	6	3	7	8	2	9	1
Э14	18	15	16	5	14	7	9	17	13	12	4	6	3	8	10	2	11	1

- Маълумотларга математик ишлов берилди. Матрицали ахборот модел асосида ранглар йиғинди, ранглар йиғиндилигининг ўртачаси, ранглар йиғиндилигининг умумий суммаси, ўртача ранглар йиғиндисидан оғиш, оғиш квадратлари, оғиш квадратларининг йиғинди, эксперtlар компетентлик коэффициентлари ҳамда эксперtlарнинг ҳар бир кўрсаткичга берган баҳоларига мос келадиган вазн коэффициентлари ва унга таянган ҳолда профессор-ўқитувчилар таркиби сифатини баҳолаш кўрсаткичларини вазн коэффициентлари аникланди.

<sup>6</sup> Манба: маълумотлар эксперт сўров усули ёрдамида муаллиф томонидан шакллантирилган.

ПЎТ сифатини баҳолаш мақсадида кўлланилаётган кўрсаткичларга баҳолар (ранглар)ни белгилашда эксперт-мутахассислар компетентлиги муҳим рол ўйнайди. Шу боис уларнинг компетентлик коэффициентларини ҳисоблаш талаб этилади.

Эксперт-мутахассисларнинг компетентлигини ҳисоблашда, улар компетентлиги кўрсаткичлар гурухли баҳолари билан эксперталар баҳоларининг келишувчанлик даражаси бўйича баҳоланиши керак деган тахминга асосланилди [15].

Эксперт-мутахассисларнинг компетентлик коэффициентини ҳисоблаш учун, авваламбор эксперталар томонидан  $i$ -кўрсаткичга берилган баҳо (ранг)лар йигиндиси ва мазкур кўрсаткичнинг ўртача баҳоси аниқланди (2-жадвал).

## 2-жадвал

**Ранглар матрицаси ва эксперт баҳоларини математик қайта ишланаш натижалари, (лавҳа)<sup>7</sup>**

Кўрсаткичлар	Эксперталар							$S_i$	$M_i$	$D$	$D^2$
	Э1	Э2	...	Э6	Э7	...	Э14				
$N_1^1$	18	18	...	18	18	...	18	246	17,57	113	12769
$N_1^2$	13	14	...	6	11	...	15	174	12,43	41	1681
$N_1^3$	15	13	...	3	15	...	16	180	12,86	47	2209
$N_1^4$	10	4	...	4	5	...	5	84	6,00	-49	2401
...	...	...	...	...	...	...	...	...	...	...	...
$N_1^{16}$	2	7	...	17	4	...	2	76	5,43	-57	3249
$N_1^{17}$	14	12	...	16	2	...	11	139	9,93	6	36
$N_1^{18}$	1	1	...	1	1	...	1	15	1,07	-118	13924
<b>Жами:</b>	<b>171</b>	<b>171</b>	...	<b>171</b>	<b>171</b>	...	<b>171</b>	<b>2394</b>	<b>171</b>	-	<b>64482</b>

Эксперталар томонидан  $i$ -кўрсаткичга берилган баҳо (ранг)лар йигиндиси қўйидаги формула ёрдамида ҳисбланди:

$$S_i = \sum_{j=1}^{d=14} r_{ij} \quad (2)$$

бу ерда  $r_{ij}$  –  $i$ -кўрсаткичга  $j$ -эксперт томонидан берилган баҳо ёки ранг;  $d$  - жалб этилган эксперталар сони.

$i$ -кўрсаткичнинг ўртача баҳоси эса қўйида келтирилган формуладан фойдаланиб аниқланди:

$$M_i = \frac{S_i}{d} \quad (3)$$

бу ерда  $M_i$  -  $i$ -кўрсаткичнинг ўртача баҳоси;  $d$  – эксперт баҳолашда иштирок этган эксперталар сони.

## 3-жадвал

**Эксперталар компетентлик коэффициенти<sup>8</sup>**

Эксперт	Э1	Э2	Э3	Э4	Э5	Э6	Э7	Э8	Э9	Э10	Э11	Э12	Э13	Э14
Компетентлик коэффициенти	0,071	0,073	0,068	0,073	0,068	0,066	0,072	0,071	0,072	0,073	0,073	0,072	0,074	0,073

Эксперт баҳолаш жараёнида иштирок этган ҳар бир эксперталарнинг (14 нафар) компетентлик коэффициентини аниқлаш қўйидаги формула бўйича амалга оширилди:


$$K_j = \frac{\sum (r_{ij} \times M_i)}{\sum (M_i \times S_i)}, \quad (4)$$

<sup>7</sup> Эксперт сўров натижалари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари

<sup>8</sup> Муаллиф ҳисоб-китоблари ва ишланмаси

бу ерда  $K_j$  –  $j$ -эксперт компетентлик коэффициенти;  $r_{ij}$  –  $i$ -кўрсаткичга  $j$ -эксперт томонидан берилган баҳо ёки ранг;  $M_i$  –  $i$ -кўрсаткичнинг ўртача баҳоси;  $S_i$  –  $i$ -кўрсаткичнинг баҳолари йигиндиши.

3-жадвалда эксперталар компетентлигини ҳисоблаш натижалари ва 1-расмда унинг диаграммаси келтирилган.



1-расм. Эксперталар компетентлик коэффициенти

#### 4-жадвал

Ранжирланган эксперталар компетентлик коэффициенти<sup>9</sup>

Эксперт	Э13	Э4	Э10	Э14	Э2	Э11	Э12	Э9	Э7	Э1	Э8	Э3	Э5	Э6
Компетентлик коэффициенти	0,07353	0,07323	0,07307	0,07301	0,07298	0,07271	0,07235	0,07230	0,07156	0,07134	0,07082	0,06843	0,06827	0,06641

4-жадвал маълумотлари таҳлил қилинганда, танланган эксперт-мутахассислардан 13-эксперт, 4-эксперт, 10-эксперт, 14-эксперт, 2-эксперт ва 11-эксперталар компетентлик коэффициентлари бошқаларга қараганда “жуда юқори” устунлик даражасига, 12-эксперт, 9-эксперт, 7-эксперт, 1-эксперт ва 8-эксперталар компетентлик коэффициентлари “юқори” устунлик даражасига, 3-эксперт ва 5-эксперталар компетентлик коэффициентлари “ўрта” устунлик даражасига ҳамда 6-эксперт компетентлик коэффициенти “куйи” устунлик даражасига эга эканлиги маълум бўлди.

Кейинги босқичда эксперт-мутахассилар компетентлик коэффициенти инобатга олинган ҳолда ҳар бир кўрсаткич тортилган баҳоси ва уларнинг умумий йигиндиси аниқланди. Эксперт-мутахассисларнинг компетентлик коэффициентини ҳисобга олган ҳолда ҳар бир кўрсаткич учун тортилган баҳоларни ҳисоблаш қўйидаги формула бўйича амалга оширилди:

$$Y_{ij} = r_{ij} \times K_j \quad (5)$$

бу ерда  $Y_{ij}$  – гурухли эксперт баҳолаш натижалари бўйича аниқланган,  $j$ -эксперт томонидан унинг компетентлигини ҳисобга олган ҳолда белгиланган  $i$ -кўрсаткичнинг баҳоси.


Ҳар бир кўрсаткич учун ҳисоблаб чиқилган тортилган баҳолар умумий йигиндиси эса қўйидаги формула бўйича ҳисоблаб чиқилди:

$$B_i = \sum_{j=1}^{i=18} Y_{ij} \quad (6)$$

бу ерда  $B_i$  – барча эксперт-мутахассислар томонидан қўйилган,  $i$ -кўрсаткичнинг тортилган баҳоси.

Ҳисоблаш натижалари диаграммаси 2-расмда келтирилган.

<sup>9</sup> 3-жадвал маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси



2-расм. Торталган баҳолар

Күрсаткичлар (тортилган баҳолар) муҳимлик даражаси бўйича ранжирланди (5-жадвал). Ушбу жадвалда аввал эксперт-мутахассислар томонидан энг юқори баҳолангандаги кўрсаткичлар, охирида эса энг паст баҳолангандаги кўрсаткичлар кўрсатилган.

#### 5-жадвал

Муҳимлик даражаси бўйича ранжирланган кўрсаткичлар<sup>10</sup>

$N_1^1$	$N_1^8$	$N_1^9$	$N_1^{10}$	$N_1^5$	$N_1^3$	$N_1^2$	$N_1^6$	$N_1^7$	$N_1^{17}$	$N_1^{15}$	$N_1^4$	$N_1^{12}$	$N_1^{11}$	$N_1^{14}$	$N_1^{16}$	$N_1^{13}$	$N_1^{18}$
1	8	9	10	5	3	2	6	7	17	15	4	12	11	14	16	13	18
17,58	14,62	13,22	13,20	13,18	12,94	12,49	11,09	10,67	9,87	8,53	6,01	5,92	5,77	5,69	5,33	3,83	1,07

5-жадвал маълумотлари таҳлил этилганда, эксперт-мутахассислар томонидан устунлик,  $N_1^1$  – кўрсаткичга (олий таълим муассасаларида ПЎТ таянч маълумотларининг кадрлар тайёрлаш профили (КТП)га мувофиқлиги) берилганлиги, яъни “жуда юқори” баҳолангандаги, муҳимлик даражаси паст деб хисобланган  $N_1^{18}$  – кўрсаткичга (олий таълим муассасаларида фаолият юритаётган профессор-ўқитувчилар таркибининг “штатлилк” даражаси) “жуда паст” баҳо берилганлиги маълум бўлди.

ПЎТ сифатини баҳолаш кўрсаткичларини муҳимлик даражасини аниқлашнинг яна бир усули мавжуд бўлиб, унда эксперт-мутахассислар компетентлик коэффициентлари инобатга олинмайди. Балки, эксперт-мутахассисларнинг ҳар бир кўрсаткичга берган баҳоларига мос келадиган вазн коэффициентларини хисоблаш ҳамда  $i$ -кўрсаткичнинг ўртача вазн коэффициентини аниқлаш талаб этилади.

Эслатиб ўтиш жоиз, вазн коэффициенти - бу ўрганилаётган жараёнга таъсир қиласиган бошқа омиллар билан таққосланганда берилган омилнинг (кўрсаткичнинг) аҳамияти, нисбий муҳимлиги, “вазни”ни акс эттирувчи рақамли (сонли, миқдорий) коэффициент, параметрdir.

Экспертларнинг ҳар бир кўрсаткичга берган баҳоларига мос келадиган вазн коэффициентларини аниқлаш қўйидаги кўринишда амалга оширилди (6-жадвал): бу ерда каср суръатида келтирилган 1, 2, 3, 4, ..., 18 – эксперт томонидан берилган баҳо ёки ранг;  $1 + 2 + \dots + 18 = 171$  барча кўрсаткичлар учун белгиланган ранглар йигиндиси.

#### 6-жадвал

$$\begin{aligned}
 V_1 &= 1/(1+2+\dots+18) = \\ 
 &= 1/171 = 0,006 \\
 V_2 &= 2/171 = 0,012 \\
 V_3 &= 3/171 = 0,018 \\
 V_4 &= 4/171 = 0,023 \\
 V_5 &= 5/171 = 0,029 \\
 V_6 &= 6/171 = 0,035 \\
 &\vdots \\
 V_7 &= 7/(1+2+\dots+18) = 7/171 = 0,041 \\
 V_8 &= 8/171 = 0,047 \\
 V_9 &= 9/171 = 0,053 \\
 V_{10} &= 10/171 = 0,058 \\
 V_{11} &= 11/171 = 0,064 \\
 V_{12} &= 12/171 = 0,070 \\
 &\vdots \\
 V_{13} &= 13/(1+2+\dots+18) = \\ 
 &= 13/171 = 0,076 \\
 V_{14} &= 14/171 = 0,082 \\
 V_{15} &= 15/171 = 0,088 \\
 V_{16} &= 16/171 = 0,094 \\
 V_{17} &= 17/171 = 0,099 \\
 V_{18} &= 18/171 = 0,105
 \end{aligned}$$

$i$ -кўрсаткичнинг ўртача вазн коэффициентини хисоблашда эса қўйидаги формуладан фойдаланилди:

<sup>10</sup> 2.3.3-илова маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси

$$\bar{V}_i = \frac{\sum_{j=1}^{i=18} V_{ij}}{d} \quad (7)$$

бу ерда  $V_{ij}$  –  $i$ -күрсаткичга  $j$ -эксперт томонидан берилган баҳога мос келадиган вазн коэффициенти;  $d$  - жалб этилган эксперт-мутахассислар сони.

Күрсаткичларни мухимлик даражаси бўйича ранжирлашда ҳисоблаш натижаларига асосланилди (7-жадвал).

Мухимлик даражаси бўйича ранжирланган күрсаткичлар таққосланганда 5-жадвалдаги (эксперт-мутахассислар компетенция коэффициентларини ҳисобга олган ҳолда мухимлиги бўйича ранжирланган (тартибланган) күрсаткичлар) күрсаткичлар билан устма-уст тушиб, мувофиқлиги аниқланди.

#### 7-жадвал

#### Вазн коэффициентлари мухимлиги бўйича ранжирланган күрсаткичлар<sup>11</sup>

$N_1^1$	$N_1^8$	$N_1^9$	$N_1^{10}$	$N_1^5$	$N_1^3$	$N_1^2$	$N_1^6$	$N_1^7$	$N_1^{17}$	$N_1^{15}$	$N_1^4$	$N_1^{12}$	$N_1^{11}$	$N_1^{14}$	$N_1^{16}$	$N_1^{13}$	$N_1^{18}$
1	8	9	10	5	3	2	6	7	17	15	4	12	11	14	16	13	18
0,103	0,085	0,077	0,077	0,077	0,075	0,073	0,065	0,062	0,058	0,050	0,035	0,035	0,034	0,033	0,032	0,023	0,006

Профессор-ўқитувчилар таркиби сифатини баҳолаш күрсаткичлари вазн коэффициентларини мухимлик даражаси, қуидаги диаграммада ҳам ўз ифодасини топди (3-расм).



3-расм. ПЎТ сифатини баҳолаш күрсаткичларининг вазн коэффициентлари

Кейинги босқичда, эксперт-мутахассислар фикри келишувчанлиги коэффициенти ёрдамида экспертер баҳолаш сифати баҳоланди.

Айтиб ўтиш жоиз, күрсаткичлар вазн коэффициентларини эксперт баҳолаш усули ёрдамида аниқлашда “эксперт-мутахассислар фикри келишувчанлиги” мухим аҳамият касб этади. Агар эксперт-мутахассислар фикрларининг келишувчанлик даражаси юкори бўлса, у ҳолда эксперт сўров натижалари ишончли ҳисобланади. Экспертлар фикри келишувчанлик даражасини баҳолаш учун «конкордация коэффициенти»ни аниқлаш талаб этилади. Конкордация коэффициенти одатда Кендалл томонидан таклиф этилган формула ёрдамида ҳисобланади [14,16]:

$$W = \frac{12 \times \sum_{i=1}^n D^2}{d^2 \times (n^3 - n)} = \frac{12 \times C}{d^2 \times (n^3 - n)} \quad (8)$$

бу ерда  $D$  – ўртача ранглар йигиндисидан оғиш (четланиш);  $D^2$  – оғиш (четланиш) квадрати;  $d$  - жалб этилган эксперт-мутахассислар сони;  $n$  –кўрсаткичлар сони.

Ўртача ранглар йигиндисидан оғиш қийматлари эксперталар томонидан  $i$ -кўрсаткичга берилган баҳо (ранг)лар йигиндисидан ранглар йигиндиларининг ўртачасини айриш орқали аниқланади:

<sup>11</sup> Муаллиф ҳисоб-китоблари

$$D = \sum_{j=1}^d r_{ij} - \frac{\sum_{i=1}^n \sum_{j=1}^d r_{ij}}{n} = S_i - \frac{\sum_{i=1}^n S_i}{n} = S_i - \bar{S} = S_i - 133 \quad (9)$$

Оғиш квадратлар йигиндиси:  $C = 64482$ ; жалб этилган эксперт-мутахассислар сони:  $d = 14$ ; профессор-ўқитувчилар таркиби сифатини баҳолаш учун қўлланилаётган кўрсаткичлар сони:  $n = 18$

$$W = \frac{12 \times 64482}{14^2 \times (18^3 - 18)} = \frac{12 \times 64482}{196 \times (5832 - 18)} = \frac{12 \times 64482}{196 \times 5814} = \frac{773784}{1139544} = 0,679$$

Конкордация коэффициентининг  $W = 0,679$  га тенг эканлиги эксперт-мутахассислар фикри келишувчанлиги юқори даражага эга эканлигини англатади.

Эксперт-мутахассислар фикрининг келишувчанлик даражасини баҳолашда Харрингтоннинг вербал-сонли шкаласидан фойдаланилди (8-жадвал). Харрингтон шкаласи – бу бирор бир идеалга яқинлашиш даражасини тавсифловчи бирлик сегментнинг бешта оралигидан ташкил топган кўп интервалли дискрет вербалъ-сонли шкаладир. Эксперт-мутахассислар фикрининг келишувчанлик даражаси шкалада ўрнатилган чегаравий қийматлар асосида аниқланади. Харрингтон шкаласи универсал бўлиб, ундан турли хил сифат кўрсаткичларини баҳолаш учун фойдаланиш мумкин.

#### 8-жадвал

#### Харрингтоннинг вербалъ-сонли шкаласи [17]

№	Эксперт-мутахассислар фикрлари келишувчанлигининг чегаравий сонли қийматлари	Эксперт-мутахассислар фикрлари келишувчанлигини тавсифий даражалари
1	$0,8 \leq W < 1,0$	Жуда юқори
2	$0,63 \leq W < 0,8$	Юқори
3	$0,37 \leq W < 0,63$	Ўрта
4	$0,2 \leq W < 0,37$	Паст
5	$0,0 \leq W < 0,2$	Жуда паст

Харрингтоннинг вербалъ-сонли шкаласига кўра, ҳисоблаб чиқилган конкордация коэффициенти  $0,63 \leq W < 0,8$  оралиқдаги қийматларга мос келганлиги боис эксперт-мутахассислар фикри келишувчанлик даражаси юқори деб баҳоланди (8-жадвал). Бу эса ўз навбатида, эксперт сўров натижалари ишончли ва ҳаққоний эканлигидан далолат беради.

Кейинги босқичда конкордация коэффициентининг аҳамиятлилиги текширилди. Боиси, эксперт-мутахассислар фикрлари келишувчанлигининг юқори даражасини тавсифловчи ҳисоблаб чиқилган конкордация коэффициенти, тасодифий қиймат эмаслиги ва олинган натижаларга тўлақонли ишонч ҳосил килиш учун, унинг аҳамиятлигини текшириш зарурӣ шартлардан бири ҳисобланади.

Конкордация коэффициенти статистик аҳамиятлигини баҳолаш учун қуйидаги вазифалар амалга оширилди.

Пирсон мувофиқлик мезони қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланди:

$$\chi^2 = W \times d \times (n - 1) \quad (10)$$

Ҳисоблаб чиқилган Пирсон мувофиқлик мезони қиймати ( $\chi^2_{\text{хисоб}} = 161,61$ ) эркинлик даражаси сони ( $K=n-1=18-1=17$ ) ва берилган аҳамиятлилик даражаси ( $\alpha=0,05$ ) эҳтимолликга мос ҳолат учун жадвал қиймати билан таққосланди.

Пирсон мувофиқлик мезонининг ҳисоблаб чиқилган ( $\chi^2_{\text{хисоб}} = 161,61$ ) қиймати жадвалдаги қиймат ( $\chi^2_{\text{жадвал}} = 27,59$ )дан катта эканлигини кўрсатди.

Пирсон мувофиқлик мезони бўйича  $\chi^2_{\text{хисоб}} > \chi^2_{\text{жадвал}}$  ( $161,61 > 27,59$ ) бўлганлиги сабабли, конкордация коэффициенти қиймати ( $W = 0,68$ )ни тасодифий эмас, шунинг учун олинган натижалар маънога эга ва тадқиқотда улардан фойдаланиш мумкин деб хулоса қилинди.

ПЎТ сифатини баҳолаш кўрсаткичларининг натижалари [12] ва ушбу кўрсаткичларнинг эксперт баҳолаш усули ёрдамида олинган вазн коэффициентлари (1) формулага қўйиб ҳисобланди. Натижада,

ПҮТ сифатини умумлаштирилган баҳоси 2,32 га тенг эканлиги, яни 5 баҳолик шкалага кўра, ушбу натижка  $M_6$  ҳолатга мос келганлиги аниқланди [12].

$$\begin{aligned} N_1 = \sum_{i=1}^{18} V_i \times N_{18}^I &= (0,103 \times 4,91) + (0,073 \times 2,57) + (0,075 \times 2,36) + (0,035 \times 4,61) + \\ &+ (0,077 \times 1,09) + (0,065 \times 4,72) + (0,062 \times 1,15) + (0,085 \times 1,22) + (0,077 \times 0,22) + \\ &+ (0,077 \times 0,15) + (0,034 \times 4,53) + (0,035 \times 3,53) + (0,023 \times 4,13) + (0,033 \times 2,51) + \\ &+ (0,050 \times 3,33) + (0,032 \times 1,40) + (0,058 \times 0,09) + (0,006 \times 4,26) = 0,504 + 0,187 + \\ &+ 0,178 + 0,162 + 0,084 + 0,305 + 0,071 + 0,104 + 0,017 + 0,012 + 0,153 + 0,122 + \\ &+ 0,093 + 0,084 + 0,167 + 0,044 + 0,005 + 0,027 = 2,319 \end{aligned}$$

Бу эса ўз навбатида, тадқиқ этилаётган объект фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш заруратини ифодалайди.

### Хулоса ва таклифлар

Эксперт баҳолаш усули натижалари (хар бир кўрсаткич бўйича аниқланган вазн коэффициентлари) ва эксперт-мутахассисларнинг фикрига кўра, юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнида асосий эътибор профессор-ўқитувчилар таркибида қуидаги кўрсаткичларга қаратилиши кераклигини кўрсатди. Булар:

- профессор-ўқитувчилар таркиби таянч маълумотларини (мутахассислиги, ихтисослиги) кадрлар тайёрлаш профилига мувофиқлигини таъминлаш;
- профессор-ўқитувчилар ва мутахассислар сифатли таркибининг олий таълим муассасалари ўкув жараёнида иштироқини таъминлаш;
- олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчилар таркиби умумий сонида фан доктори ва профессорлар улушкини ошириш;
- олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчилар таркиби умумий сонида асосий штатда фаолият юритаётган фан доктори ва профессорлар улушкини ошириш;
- асосий штатда фаолият олиб бораётган, илмий даража ва илмий унвонга эга бўлган профессор-ўқитувчилар салмоғини ошириш;
- кадрлар тайёрлаш профили бўйича ишлаб чиқариш тажрибаси мавжуд профессор-ўқитувчилар салмоғини ошириш.

Эксперт сўровда қатнашган барча эксперт-мутахассислар фикри келишувчанлик коэффициенти юқори даражаси:

- эксперт-мутахассилар фикри тўлиқ келишилганлигидан;
- эксперт баҳолаш усулида олинган натижалар олий таълим муассасаси раҳбарияти томонидан юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнига бевосита таъсир этувчи профессор-ўқитувчилар таркиби салоҳиятини ошириш бўйича карор қабул қилиш учун мувофиқлигидан;
- тадқиқот мақсад ва вазифалари тўғри шакллантирилганлигидан;
- ҳамда эксперт-мутахассилар ва эксперт баҳолаш усуллари тўғри танланганлидан далолат беради.

Бундан ташкири, фикримизча, олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилар таркиби сифатини баҳолашда эксперт-мутахассислар томонидан аҳамияти паст деб ҳисобланган кўрсаткичларга ҳам эътибор қаратилса мақсадга мувофиқ бўлади. Боиси, эксперт-мутахассислар томонидан аҳамияти пастроқ деб баҳолангандан кўрсаткичлар профессор-ўқитувчилар таркиби салоҳиятини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Буларга қуидагилар киради:

- олий таълим муассасаларида фаолият олиб бораётган профессор-ўқитувчилар таркибидаги кадрлар турғунлиги. Кадрлар кўнимсизлиги олий таълим муассасаларида фаолият олиб бораётган илмий даража ва илмий унвонли профессор-ўқитувчиларга нисбатан қаралганда, ўкув жараёнида сифатли таркиб иштироқи кўрсаткичини пасайишига олиб келади. Бу эса ўз навбатида, юқори малакали кадрлар тайёрлаш сифатига ҳам таъсир этади. Шу боис, тизим ички фаолиятида юзага келадиган муаммоларни ҳал қилишга, ташки муҳит ўзгарувчан шароитларига ўз вақтида мослашишга айнан турғун меҳнат жамоаси қодир, деб ҳисоблаш мумкин.
- профессор-ўқитувчилар таркиби илмий-тадқиқот фаолияти. Олий таълим муассасаларида таълим ва илмий тадқиқот иши – юқори сифатли кадрлар тайёрлаш жараёнининг ажралмас таркибий қисмлари ҳисобланиб, назарий билим ва амалий кўникма ҳамда малакаларни эгаллашни энг мақбул тарзда бирлаштириш, шунингдек, ўкув фаолиятида ишланмалар ва илмий тадқиқот натижаларидан

янада самарали фойдаланиш имконини беради. Бундан ташқари, олий таълимда фаолият юритаётган ҳар бир профессор-ўқитувчи, агар у илмий иш билан шуғулланмаса, бошқа инсонлар билимларини тўғридан-тўғри “такрорловчисига” айланиб қолади.

• профессор-ўқитувчилар таркибини малака ошириш даражаси. Профессор-ўқитувчилар таркибини касб даражаси ва малакасини мутассил ошириб бориши, уларга олий таълим соҳасига оид қонунчилик нормаларини, ўкув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услубларини, ўқитаётган фанлари бўйича инновацияларни ўрганишларига, ўзлаштирилган маълумотларни ўкув жараёнига фаол татбиқ этиш билан бирга, касбий маҳорати ва илмий-педагогик салоҳиятини ривожланишига имкон беради. Бу эса ўз навбатида, ОТМларидаги юқори малакали кадрлар тайёрлаш баробарида таълим жараёнини сифатли ташкил этиш учун хизмат қиласди.

Таклиф этилаётган услубиётдан амалиётда фойдаланиш нафақат профессор-ўқитувчилар таркиби сифатини баҳолаш учун қўлланилган кўрсаткичлар вазн коэффициентларини аниқлашда, балки олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилар таркиби сифатини умумлаштирилган баҳосини олишда ҳам фойдаланиш мумкин. Олингандаги натижалар республика олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари таркиби фаолияти тўғрисида таҳлилий ахборотлар тайёрлашга ҳамда улар сифати, салоҳиятини оширишга қаратилган аник ҳамда асосланган таклифлар, чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқишга хизмат қиласди.

### **Адабиётлар**

- Гулямов С.С., Аюпов Р.Х., Абдуллаев М.К. Рақамли иқтисодиёт-кадрлар тайёрлашнинг долзарб йўналишлари// “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. - 2020, №1 (январь-февраль), – Б. 186-198. <https://iqtisodiyot.tsue.uz/>
- Рахмонов Н.Р. Олий таълим тизимида кадрлар тайёрлаш сифатини оширишнинг минтақавий жиҳатлари. Монография.-Т.: ТМИ босмахонаси, 2019. - 234 б.
- Қаҳҳаров О.С. Олий таълим муассасаларида рақобатбардош кадрларни тайёрлаш // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. - 2018, №6 (ноябрь-декабрь), – Б. 1-13. <https://iqtisodiyot.tsue.uz/>
- Emerald Jenkins, Rita D'Aoust, Sabrina Elias, Hae Ra Han, Phyllis Sharps, Carmen Alvarez. Faculty peer review of teaching taskforce: A quantitative descriptive research study for the peer review process // Nurse Education Today, Volume 106, 2021, 105055, ISSN 0260-6917, <https://doi.org/10.1016/j.nedt.2021.105055>.
- Cardoso Sónia, Orlando Tavares, Cristina Sin. The quality of teaching staff: higher education institutions' compliance with the European Standards and Guidelines for Quality Assurance - the case of Portugal // Educational Assessment Evaluation and Accountability. – 2015, DOI: 10.1007/s11092-015-9211-z.
- Татаринов Ю.Б. Проблемы оценки результатов научной деятельности // Социальная динамика современной науки / ред. В.Ж.Келле. - М.: Наука, 1995. С. 71–105.
- Бездудная А.Г. Инновационная модель профессиональных качеств субъекта образовательной деятельности и параметры её адаптации в российской системе высшего образования // Вестник ИНЖЭКОНа. - 2009. № 2 (29). С. 153—159.
- Генкин Б.М. Принципы и процедуры мотивации эффективной работы преподавателей и научных сотрудников вузов // Вестник ИНЖЭКОНа. 2009. № 1 (28). С. 243—249.
- Jamanbalayeva Sh., Abdiraiymova G., Maulsharif M. Performance Assessment of Teaching Staff by Colleagues in the Structure of Diagnostics of University Corporate Culture/ Procedia - Social and Behavioral Sciences, Volume 82, 2013, Pages 426-431, ISSN 1877-0428, <https://doi.org/10.1016/j.sbspro.2013.06.287>.
- Приказ Федеральной службы по надзору в сфере образования и науки от 30 сентября 2005 г. № 1938 «Об утверждении показателей деятельности и критерииев государственной аккредитации высших учебных заведений». <https://normativ.kontur.ru/document?moduleId=1&documentId=120874>.
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси, Мактабгача таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ҳамда Инновацион ривожланиш вазирлигининг “Таълим ташкилотларини аттестациядан ўтказиш мезонларини тасдиқлаш тўғрисида” ги (2019 йил 16 декабрда 16-мх, 16, 19-мх, 12-2019 ва 18-к/қ-сон) кўшма қарори, 27.01.2020 йилда рўйхатдан ўтган, рўйхат раками 3214.

12. Zaripova M.Dj. Assessment of the quality of the teaching staff of universities as a factor in increasing the efficiency of training highly qualified personnel. Наманган мұхандислик-технология институти илмий-техника журнали. 2021 йил, № 4 (6), 210-221 бетлар.;
13. Зарипова М.Д., Қулматова С.С. Олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилар таркиби сифатини баҳолаш юқори малакали кадрлар тайёрлаш самарадорлигини ошириш омили сифатида. “Иқтисодиётни ракамлаштириш шароитида бүлажак мутахассисларни инновасион фаолиятга тайёрлашда замонавий технологиялардан фойдаланиш самарадорлиги” Халқаро илмий-амалий анжумани мақолалар түплами (2021 йил 25 ноябрь). - Т.: TDIU, 2021. – 105-120 бетлар.
14. Азгальдов Г.Г., Райхман Э.П. Экспертные методы в оценке качества товаров // М.: Издательство - Экономика, 1974 г. - 151 стр.
15. Петриченко Г.С., Петриченко В.Г. Экспертное оценивание при выборе эффективного мероприятия // Научные ведомости БелГУ. Серия Экономика. Информатика. – 2015. № 13 (210). Выпуск 35/1. С. – 122-127.
16. Голосовский С.И. Эффективность научных исследований в промышленности: // Монография - М. : Экономика, 1986. - 160 с.
17. Галиновский А.Л., Самсонов К.С., Севрюкова А.В., Салахатдинова А.Р. Сравнение различных методов контроля и диагностики качества керамики методом экспертного оценивания // Инноватика и экспертиза: научные труды. М: ФГБНУ НИИ РИНКЦЭ. 2017. №1(19). С. 64 – 74.





**РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ВА АҲБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**  
**DIGITAL ECONOMY AND INFORMATION TECHNOLOGY**

**Илмий электрон журнал | Scientific electronic journal**

*Muharrir*

***Yaxshiyev H.T.***

*Musahhih va dizayner*

***Matxo'jayev A.O.***

*Texnik muharrir*


***Mirzayev J.O.***

Litsenziya AI № 240 04.07.2013. Bosishga ruxsat etildi 07.11.2022.

Qog'oz bichimi 60x80 1/16. Times garniturası. Raqamli bosma.

Shartli bosma tabog'i: 23,3. Adadi 50 nusxa.

«IMZO PRINT MEDIA GROUP» XKning matbaa bo'limida chop etildi.  
100066. Toshkent shahri, Islom Karimov ko'chasi, 49-uy.



📞 +998 71 239-28-41  
 🌐 <http://dgeconomy.tsue.uz/>  
✉️ dgeconomy\_tdiu@mail.ru, dgeconomy@tsue.uz  
📍 100066, Toshkent shahri, Islom Karimov ko'chasi, 49-uy.



**COLORPACK**  
время ярких решений